

**“Ер тузишни лойиҳалаш” фанидан «ХЎЖАЛИКЛАРАРО ЕР ТУЗИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИ ЎТКАЗИШНИНГ АСОСЛАРИ» мавзусидаги кўргазмали маъруза таълим технологияси модели**

<b>Вақт 2 соат</b>	<b>Талабалар сони 25</b>
<b><i>Ўқув машғулоти шакли</i></b>	<b>кўргазмали маъруза</b>
<b><i>Маъруза режаси</i></b>	<b>1. Лойиҳани кўриб чиқиш ва тасдиқлаш 2. Лойиҳани жойларга (натурага) кўчириш</b>
<b><i>Ўқув машғулоти мақсади</i></b>	<b>“Хўжаликлараро ер тузиш тушунчаси, вазифалари ва мазмуни” тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш</b>
<b><i>Педагогик вазиятлар</i></b> 1. Лойиҳани кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартибини тушунтириш 2. Лойиҳани жойларга (натурага) кўчиришни тушунтириш	<b><i>Ўқув фаолияти натижалари</i></b> 1. Лойиҳани кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартибини ўрганиш 2. Лойиҳани жойларга (натурага) кўчириш ҳақида тасаввурга эга бўлиш
<b><i>Таълим усуллари</i></b>	маъруза, ақлий ҳужум, мунозара
<b><i>Таълимни шакллантириш шакли</i></b>	Оммавий, жамоавий
<b><i>Таълим воситалари</i></b>	маъруза матни, компьютер (проектор) слайдлар
<b><i>Таълим бериш шароити</i></b>	Техник воситалар билан жиҳозланган хона
<b><i>Машғулоти соҳибдорлиги</i></b>	Оқсоқил айроғи, таскер айроғи

“Ер тузишни лойиҳалаш” фанидан **«ХЎЖАЛИҚЛАРАРО ЕР ТУЗИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИ ЎТКАЗИШНИНГ АСОСЛАРИ»** мавзусидаги кўргазмали маъруза технологик харитаси

Иш босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
<b>1 босқич</b> <b>Ўқув машғулотига кириш 20 дақиқа</b>	Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот очик маъруза шаклида олиб борилиши маълум қилинади. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни, мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади. Ақлий ҳужум усули бўйича ушбу мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни айтишни таклиф этади (1 илова)	<b>Тинглайдилар ва ёзиб оладилар</b>
<b>2 босқич</b> <b>Асосий қисм 50 дақиқа</b>	<p>2.1. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (2 илова). Жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2.2. Мавзу режаларига хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари эслатилади.</p> <p>2.3. Тезкор сўров ўтказилади. (3 илова)</p>	<p><b>Тинглайдилар, дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</b></p> <p><b>Асосий тушунчаларни муҳокама қиладилар</b></p> <p><b>Талабалар жавоб берадилар</b></p>
<b>3 босқич</b> <b>Яқуний босқич 10 дақиқа</b>	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади.</p>	<p><b>Тинглайдилар</b></p> <p><b>Топшириқни ёзиб оладилар</b></p>

## Адабиётлар

- 1. Аvezбаев С , Волков С.Н. Ер тузишни лойиҳалаш. - Т.: «Янги аср авлоди», 2004. – 786 б.
- 2. Avezbaev S., Volkov S.N. Yer tuzishni loyihalash. - Т.: “Faylasuflar milliy jamiyati”, 2007. – 470 b.
- 3. S.Avezbaev, T.Karabayeva. Yer tuzish. - Т.:TDAU, 2005. – 305 b.
- 4. Землеустроительное проектирование. Под.ред. проф. С.Н.Волкова. - М.: «Колос», 1997. – 608 б.

## ● Қўшимча

- 1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. Т.: Адолат, 1999.
- 2. [www. Ziyo. net](http://www.Ziyo.net)
- 2. [http:www. guz. Ru](http://www.guz.Ru)

## 1 илова

1. Ер тузиш жараёни нима?
2. ХАЕТ жараёни қандай босқичлардан иборат?
3. Тайёргарлик ишлари неча қисмдан иборат?
4. Камерал тайёргарликда қандай маълумотлар йиғилади?
5. Лойиҳалаш учун топшириқ нима?
6. Топшириқ қандай масалаларни ўз ичига олади?
7. Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини ким тасдиқлайди?
8. Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар «Ер кодекси»нинг қайси моддасида келтирилган?

(2-илова)

**МАВЗУ: “ХЎЖАЛИКЛАРАРО ЕР ТУЗИШ  
ЖАРАЁНИ ВА УНИ ЎТКАЗИШНИНГ АСОСЛАРИ”**

**Режа**

- 1. Лойиҳани кўриб чиқиш ва тасдиқлаш**
- 2. Лойиҳани жойларга (натурага) кўчириш**

## **Лойиҳани кўриб чиқиш ва тасдиқлаш**

Хўжаликлараро ер тузиш ишлари натижасида илмий асосланган лойиҳа тузилади. Лойиҳа таркибига қуйидагилар киради: **чизма қисм – лойиҳа плани ва бошқа керакли чизмалар; ёзма қисм - лойиҳанинг тушунтириш хати, иқтисодий ва ҳуқуқий асослаш бўйича маълумотлар ва ҳужжатлар ҳамда хўжаликларнинг ер турлари майдонлари кўрсатилган ер экспликацияси.**

- **ХАЕТ лойиҳаларини ҳуқуқий кучга киритиш (кўриб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш) қуйидаги тартибда олиб борилади.**

- **Лойиҳа барча манфаатдор ер эгалари, мулкдорлари, ердан фойдаланувчилар ва ташкилотлар билан тайёргарлик ишлари даврида, лойиҳа топшириғини тайёрлашда, лойиҳанинг охириги охириги ишларида келишилади.**

**Лойиҳачи лойиҳа ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни тайёрлайди ва уни лойиҳа билан бирга туман ер тузиш хизматига беради.**

**Туман ер тузиш хизмати лойиҳа тавсияларини асосланганлигини ва уларни ҳаракатдаги қонунларга мослигини текширади.**

**Туман ер тузиш хизмати қарорни лойиҳа материаллари ва ўз хулосаси билан бирга туман ҳокимига тасдиқлашга беради.**

**ХАЕТ лойиҳалари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади.**

## **Лойиҳани жойга кўчириш**

Лойиҳани жойга кўчириш хўжаликлар лойиҳаланаётган чегараларини техник талабларга жавоб берадиган аниқликда ерга кўчиришдан иборат.

Жойларда чегаралар ер тузувчи мутахассис томонидан, хўжалик ва кўшни хўжаликлар вакиллари иштирокида белгиланади. Бу ишларни ўтказиш учун ишчи чизма тузилади. Унда чизма тарзда ва ёзувлар билан дала шароитидаги ишлар учун зарур барча элементлар кўрсатилади:

- *жойларда мўлжал олиш учун тасвирлар;*
- *бурчаклар ва чизиқларни ўлчашни бажариш учун геодезик маълумотлар;*
- *юриш йўналишлари (чизиқчалар билан), асбобларни ва таёқчаларни (вехаларни) ўрнатиш жойлари;*
- *чегара белгиларини ўрнатиш жойлари.*

Лойиҳани жойга планда яхши ва аниқ белгиланган тасвир элементлари (каналлар, йўллар, дарёчалар ва ш.ў.) бўйича ҳам кўчириш мумкин. Очик тасвир элементлари йўқ жойларда теодолит йўлларини ўтказиш керак бўлади.

Теодолит йўлларини ўтказиш учун геодезия маълумотлари тескари геодезия масаласини ечиш йўли билан ҳисобланади. Ҳар бир ер эгалиги ва ердан фойдаланиш давлат геодезия тармоғига боғланган бўлиши керак.

Хўжаликлар худуди чегаралари белгиланган тартибда чегара белгилари билан бир-биридан ажратилади. Чегара белгилари темир-бетон, ёғоч ёки тошдан тайёрланиши мумкин.

Бир хўжалик чегараларида бир хил чегара белгиси қўйилиши керак. Чегара белгилари бир-биридан кўринадиган, лекин 1000 метрдан узоқ бўлмаган масофада, суғорилмайдиган чўл ҳудудларида эса - 2000 метрдан узоқ бўлмаган масофада ўрнатилади.

Агар ерда чегарани боғлаб ўтказиш учун бирор табиий ёки сунъий элемент бўлмаса, чегара бўйлаб ер эгат қилиб, 20 см дан кам бўлмаган чуқурликда ҳайдаб қўйилади.

Лойиҳани жойига кўчириш учун тайёрланган ишчи чизма янги чегарани керакли аниқликда ерга тушириш имконини бериши керак.

Жойларга кўчирилган хўжаликлар чегаралари ер тузилаётган хўжалик вакилларига кўрсатилади ва топширилади. Лойиҳани жойларга кўчириш далолатнома билан тасдиқланади.

- Далолатномада чегараларнинг ердаги ўрни таърифланган бўлади. Унга белгиланган чегараларнинг аниқ ўринлари (координаталар) кўрсатилган чизма қўшимча қилинади.
- Лойиҳа жойга кўчириб бўлингандан сўнг хўжаликка ердан фойдаланиш ёки эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи Давлат далолатномаси берилади

## 3 илова

### Тезкор сўров учун саволлар

1. ХАЕТ таркиби неча қисмдан иборат?
2. ХАЕТ лойиҳаларини ҳуқуқий кучга киритиш қандай тартибда олиб борилади?
3. ХАЕТ лойиҳаси кимлар билан келишилади?
4. ХАЕТ лойиҳалари ким томонидан тасдиқланади?
5. Қандай лойиҳалар жойларга кўчирилади?